

Алабиётлап

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чопа-талбилап тўғрисида”ги 610-сонли қарори. -Т.: 2017 йил. 11 август.
2. Patsy M. Lightbown. Focus on Content-Based Language Teaching. Oxford University Press. Oxford. 2014.
3. Teaching Geography through English-a CLIL approach. University of Cambridge. Cambridge. 2011.

РЕЗЮМЕ

Мақола олий таълим муассасаларида мутахассисликка оид материаллардан фойдаланиб, чет тилини ўқитиш технологияси, соҳага оид материаллардан ўқув материали сифатида фойдаланиш масалаларига қаратилган. Автор “CLIL” (Content and Language Integrated Learning – Фан мазмуни ва тилни интеграллаштириб ўқитиш) ёндашувидан фойдаланиб, география мутахассислиги талабаларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш йўллари кўрсатган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена изучению технологии профессионально-ориентированного обучения иностранным языкам в высших учебных заведениях с использованием материалов по специальности как средство обучения. Автор подробно описывает пути развития знаний и навыков студентов-географов с использованием подхода “CLIL” (Content and Language Integrated Learning – Интегрированное обучение содержанию и языку).

SUMMARY

The article deals with the issues of using the technology of content-based learning at English classes of higher educational establishments, ways of using professional texts as tools of learning. The author depicts the ways of developing geography students' knowledge and skills by using “CLIL” (Content and Language Integrated Learning) approach.

Tálim - tárbiya teóriyasi hám metodikasi

ДК:371.036:17.02

ОИЛАДА БОЛАЛАРДА ГЎЗАЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ж.П.Абдимуратов – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: психология, оила, таълим-тарбия, нафосат, баркамол авлод, буюк аждодлар.

Ключевые слова: психология, эстетика, семья, воспитание, гармонично-развитое поколение, наши предки.

Key words: Psychology, aesthetics, family, education, harmonically, developed generation, our ancestors.

Оила билан боғлиқ муаммолар дунё ҳамжамия-тининг ҳамма ерида мавжуд. Ота-она вазифасини аъло даражада бажариши учун, ота-оналарга йўл кўрсатадиган “Ота-оналар мактаби” ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган давлатлари АКШ, Франция, Туркияда ташкил этилган бўлиб, улардан ёш ота-оналар фарзандларини тарбиялашда ўз ота-оналаридан ўрнак олиш ва улардан кўрган миллий тарбия усулларини амалиётга татбиқ этиш йўллари ўрганадилар [4:16]. Дунё педагогикасининг кўрсатишича, 0-6 ёш инсон шахсининг шаклланадиган даври саналиб, кейин олинадиган билим ва кўникмалар шу даврда қурилган пойдевор устига бунёд этиладиганлиги, шунинг учун, илк ривожланиш даврида болаларни эътиборсиз қолдирмаслик кераклиги илмий томондан тасдиқланган.

Жамият тараққиётида янги-янги авлодларнинг пайдо бўлиши- оила қуриш ижтимоий-табиий зарурат эканлигини, шахсни таркиб топтиришда оила ибрати яхши натижалар берадигани ҳаётий ва амалий далиллар асосида изоҳланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20-сентябрдаги ялпи йиғилишида 1994 йилдан бошлаб 15-май «Халқаро оила куни» деб эълон қилинди.

Ҳар бир миллат оиласи ўзига хослиги, миллий маданияти, миллий адабиёти, миллий тиби ва руҳий тарзининг мажмуасида ўз ифодасини топи. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган янгиланиш ва ўзгаришлар ичидаги энг муҳими Оила ҳақида, оила институтига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор бераётганлигида кўринади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64, 66-моддаларида: «Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида туриш ҳуқуқига эга» деб таъкидланиши билан бирга ота-оналар ўз фарзандларини вояга етганларига қадар боқиш ва тарбиялашга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари кўрсатилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда оила институти мустақамлаш Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган «Соғлом оила-соғлом жамият» концептуал ғояси ҳамда «Оила

жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий принципи миллий, илмий ва амалий тажрибалар асосида ёритиб берилган.

Инсоният ўз авлодини меҳнатга, қасбга ва ҳаётга мос камол топтириши қадимдан таркиб топган тарихий жараёндир. Ўқиш, ёзиш, фан ва маданият шаклланадиган даврда ўз фарзандларини тарбиялаш оилада энг олий эзгулик, қадрият ҳисобланиб, ўсиб келаётган авлодга, унинг инсоний фазилатларига, маънавий тарбиясига катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашган ва ота-она ўз орзу истакларини фарзандларида кўришни истаган. Инсоннинг баркамоллик ва зийраклик саодатига эришиши, орзу-умидларини рўёбга чиқаришида оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли эканлигини барчамиз яхши тушунамиз [1: 44].

Ийрик маърифатпарвар олим Ризоуддин Ибн Фахруддин «Оила» номли асарида оила тузишнинг мамлакат ташкил қилиш билан тенглаштиради. Оила ҳақидаги низомларнинг аҳамиятини таъкидлайди, ахлоқ одоб, таълим -тарбия масалаларини кенг ёритиб беради. У шундай ёзади: «Зеро оила аҳволи тузук бўлмагани ва тарбия усули бино этилмагани ҳолда нақадар буюк бўлса ҳам, ҳеч бир миллат дунёда яшамас. Миллатлар шарафини юкори мартабага кўтармадиган нарсалар миллионлар ила саналмоқда бўлган аскарлару, дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг оз эътибор берадиганимиз, ё бўлмаса ҳеч бир замон эътибор бермасдан, келадиганимиз бўлмиш оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этар ва шу сабабдан фазилат ўрнига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз қуради. Худонинг ўзи асрасин -ку, агарда бир миллатга бундай ҳол рўбарў келса, у миллат китобининг сўнги варағи очилғусидир» [3:62].

Оилада ҳар бир нарса гўзалликка интилиш билан мустақам боғланган бўлиб, болалар эстетик гўзалликни ҳис этиш, тушуниш, қадрлашга, энг муҳими, уни яратишга ўргатилади. Бола гўзалликни ҳис этиб ва у билан завқланиб, қалбида ва хотирасида оила, Ватан ифодаси жамулжам бўлган образлар абадий сақланиб қолади. Нафосат бу олий инсонийлик, ҳар бир одамнинг олижаноб туйғуларининг, самимий муносабатларининг жони ва тани ҳисобланади. Оилада

болаларнинг эстетик таассуротларининг тўпланиши тўғрисида ўйлаймиз, уларнинг ювиниши, кийиниши, китобга, мусикага, радио, телевидениега муносабатларини кузатамиз, демак эстетиклик тўғрисидаги ғамхўрликнинг ўзи ана шундан бошланади. Вазиятнинг эстетиклигига табиий ва инсон қўли билан яратилган гўзаллик орқали эришилади. Болалик йилларида қўлдан бой берилган нарсанинг ўрнини кейин ёки йигитлик йилларида, ёши бир жойга бориб қолганда асло тўлдириб бўлмайди. Бу боланинг, айниқса, эстетик тарбиясига таъаллуқлидир. Оилада, болалик йилларида сезгирлик, гўзалликни идрок этиш шахс ривожланишининг кейинги даврларига нисбатан бекиёс даражада чуқур бўлади.

Гўзаллик -бола маънавиятининг, ҳаётининг бутун таркибини, унинг оила аъзолари, кўча-куй, маҳалла, мактаб жамоалари билан ўзаро муносабатларини белгилайди. Эстетиклик эҳтиёж маънавий гўзалликни барқарор қилади, ҳар қандай қабиҳлик, бемаъниликка нисбатан муросасизлик ва нафратни юзага келтиради. Боланинг маънавий дунёсига ҳар бир таъсир унинг ёнгинасида қандайдир бошқа таъсир этиш кучлари турганлигига боғлиқдир.

Болалик ва ўсмирлик йилларида инсон ўзида инсоний гўзалликни ҳис этиши, англаши, гўзалликдан ўзидаги инсонийликдан завқланиш туйғусини бошдан кечириши жуда муҳимдир [2:33]. Гўзалликдан-инсонийликка бу-тарбия қонуният ва ахлоқий ғоялар асоси. Тарбияланувчилар гўзаллик, олижанобликни фақат ташқи кўринишнинг мукамаллигидагина эмас, балки инсон ақл-заковатининг яратувчанлигида, айниқса, юксак ахлоқий ҳатти-ҳаракатларида, ғояларида ва ўз ҳаётларида миллий истиқлол нормаларига амал қилиб келаётган кишиларнинг ички дунёсида, Ватанимиз келажагини яратувчи ота-она ва устозлар томонидан яралган минг-минглаб қаҳрамонликларда ҳам уйғунлашиб кетгандир ва мавжуд деб тушунадилар. Ота-она ва тарбиячилар олдида ёш авлодни аввало, баркамол инсон, соғлом келажак кишиси қилиб тарбиялаш вазифаси туради. Шу туфайли эстетик идеал ахлоқий идеал билан уйғунлашиб гўзаллик тўғрисидаги орзу марказида инсон туради. Бу вазифаларни ҳал қилиш муқаррар суръатда болаларда воқеликка эстетик муносабатни тарбиялашни тақозо қилади. Болаларнинг ақлий тарбиясини ўрганилаётган воқеа ҳодисаларнинг гўзаллигини очиб бермасдан туриб, меҳнат тарбиясини, меҳнат жараёнидаги гўзалликни билмасдан туриб, ахлоқни таркиб топтиришни, ҳатти-ҳаракатнинг гўзаллигини кўра билмасдан туриб, жисмоний ривожланишни инсон гавдасининг такомиллашуви тўғрисидаги тушунчаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга ҳаётдан, фаол ижодий фаолиятдан ва идеалларга эришиш учун курашдан ажратиб олинган эстетик тарбияни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Биз эстетик тарбияни ҳаёт билан мустаҳкам боғлиқ равишда амалга оширар эканмиз, болаларга ўқув меҳнати билан жисмоний меҳнатнинг, ахлоқий камолот билан жисмоний камолотнинг гўзаллигини кўрсатиб берар эканмиз, ақлий тарбия билан ахлоқий тарбиянинг меҳнат тарбияси билан жисмоний тарбиянинг анча самарали ҳал этилишига ёрдам берамиз.

Бугунги замон кишиси доимо гўзалликка интилади, уларнинг гўзаллик идеаллари ҳаётдаги ғоят хилма-хил

ҳодисалар, муносабатлар ва турли санъат асарлари таъсирида қарор топади. Шахснинг гўзаллик билан ўзаро муносабати эстетик идеални қамраб олади. Эстетик ҳиссиёт кишилар ҳаётида катта роль ўйнайди. Гўзалликни кўра билиш, уни тушуниш ва ярата олиш кишининг маънавий ҳаётини бой, қизиқарли қилади. Унга энг юксак маънавий завқ олиш имконини беради.

Оилада болаларда гўзаллик фазилатини тарбиялаш, маълум натижаларни олдиндан кўра билиш, уларга интилиш, орзу қила билиш каби сифатларни шакллантириш билан узвий боғлангандир. Гўзалликка тарбиялашнинг ўзаро боғланиб кетиши бизни ўраб турган дунёнинг хилма-хил турлари билан боғлиқ эканини тақозо қилади. Инсоният жамиятнинг олға ҳаракат қилишига гўзаллик ва ҳалоликка тарбиялашга, боланинг маънавий ҳаётини йўлга солиб туришга эстетик гўзалликнинг уйғунлаштирилиши орқали эришади. Мактаб болаларни фақат санъатдаги, кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларидаги, меҳнат фаолиятидаги, меҳнат натижаларидаги гўзалликни кўриш ва ундан завқланишга ўргатиб қўя қолмайди, балки уларда бундай гўзалликни кундалик ҳаётда вужудга келтиришга интилишни ва вужудга келтира олишни ҳам тарбиялайди [5:161].

Боланинг қалб сезгисини ривожлантириш, виждонини кўзгатиш, руҳини кўтаришда биринчи ўринда гўзаллик тарбияси туради. Болага олдин табиат гўзаллигини, сўнгра санъат гўзаллигини ҳис этишни ўргатиш олий нафосат инсон муомаласи ва ҳаётининг гўзаллигини тушунишга етаклайди.

Бола кишилар, нарсалар ва табиат билан турли-туман ҳаётий муносабатларда бўлиб, умуман ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига ва хусусан, санъат асарларига, ҳодисаларга дуч келар экан, катталарнинг етакчи таъсири остида уларнинг эстетик қарашлари ўсиб боради. Эстетик тарбия болалар билан санъат тўғрисида суҳбатлар ўтказиш ёки уларнинг шеър ва кўшиқларни ёд олиши билан бошланади ва амалга оширилади, деб ўйлаш нотўғри бўлар эди, ваҳоланки, бундай тасаввур ўқитувчилар орасида учрайди. Бола ҳаётида санъат билан бир қаторда уй-рўзғор меҳнати ҳам катта ўрин тутади.

Кичик ёшдаги болаларни психологик-эстетик жиҳатдан бугунги ҳаётимиз, одамларимиз гўзаллигини ва олижаноблиги тушунчасини ҳар бир боланинг онгига етказиш хулқ-атвор эстетика маънавий софликнинг ифодаси бўлиб кўринади. Кичик ёшда боланинг эстетик ривожланиши болаларнинг асар мазмуни ва унинг ифодали-тасвирий воситалар ўртасидаги алоқасини сезиши, асарларни қиёслагани интилиш, ҳозиргина танланган нарсани ўзига таниш бўлган нарса билан солиштириш иштиёқи пайдо бўлади.

Хулоса шуки, болалар кичик мактаб ёшларида асосий эстетик категория-гўзаллик тўғрисидаги билимларни, ўзларини ўраб турган теваарак атрофдаги турмуш кўринишларини, табиат ҳодисаларини баҳолаб берадилар. Ота-она, ўқитувчи болаларга кичик ёшдан санъат турлари ҳақидаги билимларни бериш билан уларнинг эстетик ҳиссиётини бир жойга тўплайди, ҳамда мазмунли эстетик мулоҳаза юритишга ўргатади. Болалар эстетик тарбия жараёнида эстетик малака ва кўникмаларни ҳам эгаллаб боради.

Адабиётлар

1. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. -Т.: «Маънавият», 2000.
2. Кайковус. Қовуснома. -Тошкент: 2015.
3. Гозиев Э. Оила этикаси ва психологияси. -Т.: 1999.
4. Сулаймон Доған. Бахтли оила-Бахтли фарзанд. -Тошкент: 2010, 136- 6.
5. Исҳоқжон Муҳаммаджон ўғли. Таълим ва тарбия. -Тошкент: 2018, 568-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада оилада болаларнинг гўзалликни қадрлай олиш, оиладаги маънавий муҳит, шахсни ижтимоий қадрият сифатида ўрганиш, авлод-аждодлар меросини бойитиш ва ривожлантириш ҳақидаги қобилиятларини ўстириш масалалари қараб чиқилган.

В статье рассматриваются вопросы развития в семье у детей способности ценить красоту, о духовной среде в семье, изучении личности в качестве общественной ценности и способы обогащения и развития наследия предков.

The article deals with the issues of development in the family children's ability to value beauty, spiritual environment, study of a person as a social value and ways of enrichment and development of the ancestors' heritage

СЕТЕВОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В ВУЗЕ: МЕДИЦИНСКАЯ ТЕРМИНОЛОГИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА

Р.М.Абдуллаева - кандидат филологических наук, доцент
Ташкентская медицинская академия

Таянч сўзлар: рус тили, ўқитиш жараёни, интернет, тармок технологияси, компьютер, терминология, вазиятли контекст

Ключевые слова: русский язык, процесс обучения, интернет, сетевая технология, компьютер, терминология, лексика, ситуативный контекст

Key words: Russian language, learning process, Internet, networking technology, computer, terminology, vocabulary, situational context

Осуществляемые в современном мировом сообществе в целом и в Республике Узбекистан в частности реформы в системе образования направлены на достижение нового качества образования, которое может быть «достигнуто в условиях значительного расширения информационного пространства студентов и преподавателей, его содержательного и структурного обновления, а также в условиях открытости и доступности источников информации. Глобальная информационная сеть с её масштабным контентом и уникальным инструментарием его обработки является эффективным средством обеспечения таких условий» [1, 6].

Появление и развитие сетевых технологий привели к возникновению и расширению сетевого информационного пространства как «неотъемлемой части глобального информационного пространства, ограниченной рамками коммуникационных сетей» [7], которая получила название *Интернет*.

Инновационные сетевые технологии не обходят стороной и сферу образования, о чем свидетельствуют как появляющиеся сетевые образовательные продукты, так и новые понятия и термины для их обозначения. В частности, появились такие понятия и термины, как *сетевое образование, сетевое обучение, сетевое образовательное пространство, сетевое коммуникативное образовательное пространство, пространство педагога, сетевое пространство дополнительного образования, сетевое взаимодействие, сетевые формы общения, сетевое сотрудничество, сетевая организация, управление качеством библиотечно-информационного развития, сетевой обмен, сетевая образовательная программа, сетевая совместная деятельность, сетевая модель, сетевое сообщество, Сетевой совет, сетевое мероприятие, сетевые партнёры* и др.

Следует отметить, что сетевое образование сегодня есть социальный заказ. В нём есть потребность, поскольку современная молодёжь, у которой наблюдается трансформация мышления под воздействием информационных компьютерных технологий, адаптирована к быстрому получению нужной информации посредством электронно-технических средств. У молодёжи активно формируется новая модель восприятия информации и получения знаний, которая опосредована информационно-компьютерными средствами и зависима от них.

С другой стороны, у сетевого образования, базирующегося на межинституциональном сотрудничестве университетов, есть свои преимущества:

1) сетевое образование представляет собой качественно новый вид образования, ориентированный на масштабную мобильность обучающихся;

2) оно является транснациональным;

3) призвано обеспечить трудоустройство студентов и повышение международной конкурентоспособности образовательных систем;

4) даёт студенту право выбора учебных дисциплин;

5) не ограничивает доступ к высшему образованию выделением определённой квоты;

6) отличается нацеленностью на повышение качества образования;

7) осуществляет обучение по новым образовательным технологиям и т.п.

Сетевое образование не следует путать с понятием сетевого обучения (*англ. networked learning, peer-to-peer learning*). Последнее является составной частью сетевого образования и понимается как «обучение, в котором информационные и коммуникационные технологии используются для содействия установлению связей: между учащимися, между учащимися и преподавателями (тьюторами), между учебным сообществом и его учебными ресурсами, что позволяет учащимся углублять свои знания и расширять возможности, которые они считают важными и которые могут самостоятельно контролировать» [5]. Сетевое же образование включает в себя кроме обучающей деятельности ряд других, например, воспитательную и научно-исследовательскую.

Содержание сетевого образования находит своё отражение в различных формах её реализации, которые свидетельствуют о том, насколько широко масштабно применение возможностей информационно-компьютерных технологий в сетевом информационном пространстве современного образования.

Информационно-компьютерные технологии, используемые в сфере сетевого образования и обучения, называются *сетевыми технологиями*.

Сетевые технологии в качестве альтернативы традиционным формам обучения имеют следующие особенности:

1) создают возможности для персонального обучения, интерактивных занятий и коллективного преподавания;

2) снижают затраты на приобретение необходимого программного обеспечения;

3) повышают качество и эффективность образовательного процесса;

4) подготавливают обучающегося к жизни в современном информационном обществе [3].

Выделяют три уровня применения сетевых технологий на занятиях по различным предметам: **1-й уровень:** занятие строится на традиционных методах обучения. Сетевые технологии используются эпизодами, в редких случаях. Цель применения сетевых технологий: просмотр видеофрагмента, тестирование, создание презентаций; **2-й уровень:** занятие строится на базе информационных и сетевых технологий. Сетевые технологии используются широко и полноценно. Сетевое взаимодействие преподавателя и обучающихся реализуется как в информационном пространстве, так и вживую. Цель применения сетевых технологий: решение совместных коммуникативных задач. **3-й уровень:** занятие строится исключительно на сетевых технологиях, в режиме online или же с помощью элек-